

НОДАВЛАТ МАКТАБЛАР ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Рефиде Аблякимова

ЖДПИ мактаб менежменти кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда нодавлат мактаблар ташкил этилиши халқ таълими тизимида соғлом рақобат муҳитини яратишга, таълим сифатини янги босқичга кутаришнинг муҳим омили ҳисобланади. Муалиф томонидан ёзилган ушбу мақолада нодавлат таълим ва хусусий таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилган. Шу асосда Ўзбекистонда нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. Ўзбекистон, нодавлат мактаблар, рақобат, сифат, қобилият, ривожлантириш, замонавий, мутахассис, шакллантириш, салоҳият.

АННОТАЦИЯ

Создание негосударственных школ в Узбекистане является важным фактором в создании здоровой конкурентной среды в системе государственного образования, поднимая качество образования на новый уровень. В статье, написанной автором, исследуется мировой опыт организации негосударственных и частных учебных заведений. На этой основе разработаны рекомендации по созданию негосударственных образовательных учреждений в Узбекистане.

Ключевые слова. Узбекистан, негосударственные школы, конкуренция, качество, способности, развитие, современный, специалист, образование, потенциал.

ABSTRACT

The creation of non-state schools in Uzbekistan is an important factor in creating a healthy competitive environment in the public education system, raising

the quality of education to a new level. The article, written by the author, examines the world experience of organizing non-state and private educational institutions. On this basis, recommendations have been developed for the creation of non-state educational institutions in Uzbekistan.

Key words. Uzbekistan, non-state schools, competition, quality, abilities, development, modern, specialist, education, potential.

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида ёшларга замонавий билимларни бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига қаратилган туб ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, интеллектуал, эстетик ва жисмоний баркамол авлодни шакллантиришни ҳамда ёшларга таълим беришни янги сифат даражасига кўтариш, шу жумладан, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби муҳим ва талаб юқори бўлган бошқа фанларни чуқурлаштириб ўргатиш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган¹.

Хориждаги хусусий мактабларда олинган юқори сифатли ўрта таълим, боланинг шахсий келажагида ҳам, касбий жиҳатдан ҳам муваффақиятли келажагида муҳим рол ўйнайди. Буюк Британияда, АҚШда, Канадада, Швейцарияда, Ирландияда ва бошқа кучли академик анъаналарга эга бўлган мамлакатларда ўқиш билим олиш, тилларни ўрганиш, истеъдодларни ривожлантириш ва дунёдаги асосий университетларга кириш учун жуда кўп имкониятларни очиб беради. Хусусий мактаб ўқувчилари кенг кўламли ўқув дастурларидан фойдаланиш имкониятига эга: Британиянинг А-даражаси, АҚШнинг ўрта мактаб дипломлари, халқаро Бакалавриат. Хориждаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига [Шарх](https://lex.uz/acts/3343077) // <https://lex.uz/acts/3343077>

хусусий мактаблардаги ўқитувчилар таълимга дифференциал ёндашишни амалда қўллашади ва ҳар бир ўқувчига эътибор беришади. Мактаб соатларидан кейин болалар ўзларининг спорт ва санъатдаги қобилиятларини оширадilar, шунингдек, етакчилик қобилиятларини, танқидий фикрлашни, индивидуал ва жамоада ишлаш қобилиятини ривожлантирадilar. Чет элда хусусий мактабларда ўқишнинг афзалликлари. Замонавий абитуриентлар фақат ўз мамлакатларидаги университетлар билан чекланиб қолмайдilar, бутун дунё улар учун очикдир. Хориждаги хусусий мактаб-интернатлар ўқувчиларни танланган университетларга, шу жумладан Оксфорд ва Кембрижга муваффақиятли қабул қилиш учун тайёрлашни мақсад қилган. Чет элда хусусий мактабда ўқиш 100% кафолат беради, мактабни тугатгунига қадар бола нафақат инглиз тилини, балки 1-2 қўшимча тилни, масалан, испан ёки француз тилларини мукамал эгаллайди².

Хорижий тажрибалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат фуқароларнинг сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларда нодавлат таълим секторининг умумий ўрта таълимдаги улуши салмоқли бўлиб, Германияда 12 фоизни, Францияда 17 фоизни, АҚШда 18 фоизни, Буюк Британияда 20 фоизни, Испания, Ирландия ва Голландияда 30 фоизни ташкил этади³.

Ҳозирги кунда республикада 43 та нодавлат умумий ўрта таълим мактаби тегишли лицензияга эга бўлиб, халқ таълими тизимидаги 9680 та мактабга нисбатан уларнинг улуши 0,4 фоизни ташкил этади. Нодавлат умумий ўрта таълим мактабларининг аксарият қисми (27 та) Тошкент шаҳрида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах,

² Қаранг: Развитие негосударственного общего образования в России // Бюллетень сфере образования. 2018. №16. <<http://ac.gov.ru/files/publication/a/17323.pdf>>; *Рогозина Т.В., Щур Т.А.* Опыт частных школ для развития перспективных практик // Вопросы образования. 2014. №2. <https://vo.hse.ru/data/2014/06/28/1308786707/Rogozina-Shchur.pdf>; French Private Schools. 2010. <<https://www.frenchentree.com/living-in-france/education/french-private-schools/>>; World Bank Open Data. <<https://data.worldbank.org/>>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига [Шарҳ](https://lex.uz/acts/3343077) // <https://lex.uz/acts/3343077>

Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида бирорта нодавлат мактаби ташкил этилмаган. Фаолият кўрсатаётган нодавлат таълим муассасаларидан 20 таси бошланғич таълим (1-4-синфлар), қолган 23 таси умумий ўрта таълим (1-9-синфлар) босқичларига мўлжалланган, улардаги 330 та синфда 6 мингга яқин ўқувчилар таълим-тарбия олади (давлат мактаблари контингентига нисбатан 0,12 фоиз). ЮНЕСКО ва «DGP Research & Consulting» консалтинг ташкилоти ҳамкорлигида жалб этилган хорижий экспертлар гуруҳи томонидан миллий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлилларда таълим сифатини яхшилашда рақобат муҳитини шакллантириш, бунда хусусий таълим секторини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш”; “давлат-хусусий шериклик асосида соғлом қадриятларга асосланган таълим тизимининг миллий контентини ишлаб чиқиш”; “давлат-хусусий шериклик асосида умумтаълим тармоғини ривожлантириш ҳисобига халқ таълими тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш: нодавлат умумтаълим мактабларига давлат субсидияларини бериш механизмининг яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; халқ таълими соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг янги турларини жорий этиш” каби вазифалар белгиланган⁵.

Бугунги кунда хусусий нодавлат таълим муассасалари бир қатор вазифаларни бажармоқда. Улар қуйидагилардир:

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига **Шарҳ** // <https://lex.uz/acts/3343077>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/4312785>

умумий ўрта таълимни ҳар бир шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга ошириш, таълим олувчиларнинг жинси, миллати, дини, ирқий мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар, ўз устида мустақил ишлаши ва қўшимча билим олиши учун имкониятлар яратиш;

таълим олувчиларнинг мунтазам билим олишини таъминлаш, уларда билим олиш эҳтиёжини кучайтириш, базавий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантириш;

таълим олувчиларга миллий анъаналар ва умуминсоний кадриятлар асосида таълим бериш, миллий ҳамда умумбашарий кадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш;

таълим олувчиларнинг алоҳида ижобий хусусиятлари ва қобилиятларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг юксак даражада таълим олиши, ижодий имкониятларини ривожлантириши ва рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиб бериш;

таълим олувчиларда меҳнат қилиш ва мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, уларни касбий йўналтиришга ва касб танлашига кўмаклашиш;

таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш, таълим жараёнини умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига мувофиқ ташкил этиш;

таълим жараёнига юқори малакали педагог ва бошқа кадрларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб этиш, таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқиш муддати ва шартлари, тўлов миқдори, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланган шартномага мувофиқ таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан ишларни ташкил этиш;

таълим дастурларининг белгиланган даражасини амалга ошириш учун ўқув биноларини зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа воситалар ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида бепул ўқишга қабул қилиш орқали уларнинг сифатли билим олишларига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашиш;

таълим жараёнини умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига мувофиқ ташкил этган, ўқув дастурлари ва ўқув режалари бўйича барча фанларни ўзлаштирган битирувчиларга умумий ўрта таълим тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат бериш;

нодавлат умумтаълим ташкилотини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўрнатилган тартибда ўтказиш учун ваколатли органга ариза билан мурожаат қилиш⁶.

Нодавлат таълими тизимини ўрганишдаги назарий ёндашувларни тизимлаштириш;

-нодавлат таълимнинг концепциясини ва ижтимоий моҳиятини белгилаш;

-нодавлат таълим муассасасини ижтимоий бошқариш механизми самарадорлигини баҳолашнинг ижтимоий моҳияти ва мезонларни аниқлаш;

-нодавлат таълим муассасаси фаолияти учун шарт-шароитларни аниқлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан нодавлат таълим муассасаларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва аввал ажратилган кредитлар муддатини узайтириш, таълим ҳамда унга тегишли хизматлар бўйича барча солиқ турлари тўловларидан 2021 йилгача озод этиш, фанларни чет тилида чуқурлаштириб ўқитиш ва бу орқали таълим

⁶ Нодавлат умумтаълим ташкилотининг намунавий Устави // <https://lex.uz/ru/docs/4664567>

сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига хорижлик ўқитувчи ҳамда мутахассисларни кенг жалб қилиш назарда тутилган. Қарорда нодавлат таълим муассасаларига таклиф этилаётган хорижлик ўқитувчи ва мутахассисларга виза бериш, авиатранспорт, тураржой, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ҳамда солиқлардан озод қилиш каби масалалар ҳам ўз ечимини топган⁷.

Хусусий мактабларнинг ташкил этилиши халқ таълими тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, хорижий ўқитувчиларни жалб этиш йўли билан аниқ ҳамда табиий фанлар, чет тилларни чуқурлаштириб ўқитишга, бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг дунё меҳнат бозорида рақобатдош ва юқори малакали мутахассис кадр сифатида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини оширишига, баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Сўнгги йилларда қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий асослар муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, хусусий мактабларнинг ташкил этилиши халқ таълими тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш, нодавлат таълим

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига [Шарҳ // https://lex.uz/acts/3343077](https://lex.uz/acts/3343077)

муассасалари фаолиятини ривожлантириш, хорижий ўқитувчиларни жалб этиш йўли билан аниқ ҳамда табиий фанлар, чет тилларни чуқурлаштириб ўқитишга, бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг дунё меҳнат бозорида рақобатдош ва юқори малакали мутахассис кадр сифатида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини оширишига, баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Ablyakimova, R. (2020). VIEW AND THEORIES ON FACTORS INFLUENCING MANAGEMENT DECISION-MAKING. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 11(1). извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1052](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1052)
2. [2. Organization of Tourism Services in Uzbekistan Based On The Combination of National Styles And Modern Innovations](https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8070811515113910592&btnI=1&hl=ru)
<https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8070811515113910592&btnI=1&hl=ru>
3. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>